



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 4 март, № 45 (5212)

Жума

МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Битирувчилар учун иш ўринлари

БУХОРО тумани Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази ташаббуси билан Галаосиё қурилиш ва транспорт касб-хунар коллежида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилган ушбу тадбирда тумандаги 47 та корхона ва муассаса 291 бўш иш ўрни билан қатнашди. Яқинда тадбирга ташриф буюрганларнинг 233 нафарига ишга жойлаштирилари учун йўлланмалар берилди. Уларнинг 142 нафари коллеж битирувчилари эканлиги эътиборлидир.

Таъкидлаш керакки, жорий йилда туманда етти мингга яқин иш ўринлари яратиш режалаштирилган.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маҳалланинг мухташам гузари

НАВОИЙ. Хатирчи туманидаги Икром Карвон маҳалласида янги гузар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бунинг учун ҳомийларнинг 251 миллион сўм маблағи сарфланди. Айни пайтда бу ерда сартарошхона, суратхона, савдо растаси каби ўнга яқин инфратузилмалар ишлаб турибди. Шунингдек, ушбу мажмуада маҳалла фуқаролар йиғини идораси ҳамда милиция таянч пункти ҳам жойлашган.

Эътиборлиси, янги гузар иш бошлаши билан қўшимча 12 та иш ўрни яратилди.

Х. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Техамкор технологиялар шарофати

СИРДАРЁ. Гулистон шаҳрилик тадбиркор Бахтиёр Жумабоев сазой-ҳаракати билан гўшт ва қолбаса маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Мўъжас кўркэм савдо» корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Ҳозир бу ерда хорижий илм ва илгор технологиялари ёрдамида 6 хилдан зиёд маҳсулот тайёрланиб, аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Корхона жамоаси ўтган қисқа муддатда ички бозорга 40 миллион сўмликка яқин озиқ-овқат маҳсулотлари чиқарди.

Шуниси диққатга сазоворки, Гулистон шаҳрида 2010 йилда барча имкониятларни ишга солиш ҳисобига 6170 та иш ўрни яратилди.

Ш. ХОЛМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ИЗЛАНИШ ВА ТАШАББУС

ишлаб чиқариш ҳажмининг янада ортишига хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида ишлаб чиқариш қувватлари тобора кенгайиб, ички бозоримиз маҳаллий маҳсулотлар билан тўлдирилиб бораётган. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулот тайёрлаш ҳажмининг йил сайин ортиб боришига, пировардида республикамиз иқтисодиётининг янада ривожланишига хизмат қилаяпти.

Ўтган йил яқунларига кўра, республикамиз ялпи ички маҳсулотиде саноатнинг ҳиссаси 2000 йилдагига нисбатан ўн фоизга ошиб, 24 фоизни ташкил этгани, саноат корхоналари томонидан 160 турдан ортиқ янги

Жараён

маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани бунинг яққол далилидир.

— Корхонамиз бундан ўн йил муқаддам иш бошлаган эди, —

дейди пойтахтимиздаги «Met-Fur-Servis» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шавкат Халилов. — Юртимизда биз, тадбиркорларга яратилаётган имтиёз ва имкониятлар туфайли ишлаб чиқариш суръати йил сайин ривожланмоқда. Масалан, дастлабки пайтларда жамоамизда атиги бир неча турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, ҳозирги кунга келиб, уларнинг сони 270 тага, кунлик ишлаб чиқариш ҳажми эса 12,5 миллион сўмликка етди.

(Давоми 2-бетда).

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИ: НИМА, ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 февралда қабул қилинган «Давлат харидлари тизимини оптимallasштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишнинг кенгайтириш тўғрисида»ги қарори бу борада тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар эшигини очди. Бироқ аксарият кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

субъектлари учун бу нисбатан янги соҳа бўлганлиги боис тажриба ҳамда билим етишмаслигидан юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларни бартараф этишда уларга ёрдам кўрсатиш бўйича зарурий чоралар кўриляпти. Хусусан, Президент қарори ижросини таъминлаш бўйича махсус ташкил этилган Хукумат комиссияси томонидан катта ишлар амалга оширилмоқда.

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

Давлат харидларини амалга ошириш бўйича янгиликлар киритилаётган тартиб айни пайтда амалда бўлгандан нимаси билан фарқ қилиши ва бу борада қилинаётган ишлар ҳақида биз Молия вазирлиги Фазначилик бошлигининг биринчи ўринбосари Дилшод САТТОРОВ билан суҳбатлашдик.

— **Дилшод Неъматович, 1 апрелдан бошлаб давлат харидларини амалга ошириш бўйича янги тартиб жорий этилади. Бу бюджет ҳисобидан фаолият**

юритаётган истеъмолчиларга ҳамда маҳсулот етказиб берувчи, иш бажарувчи ва хизмат кўрсатувчи кичик бизнес субъектларига нима беради?

— Давлат харидлари борасида янги тартибнинг жорий этилиши кичик бизнес субъектларининг маҳсулот етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш бўйича давлат буюртмаларини олишга бўлган имкониятини кенгайтириш, шунингдек, республика ҳамда маҳаллий миқёсда товар бозорла-

рида ижобий рақобатни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга хизмат қилади. Шу билан бирга, у давлат бюджетни маблағларидан самарали фойдаланиш ва давлат харидларини амалга оширишда шаффофликни таъминлаш имконини беради.

— **Бундан кичик корхоналар қандай фойда кўрадилар?**

— 1 апрелдан кунга қараган тартибга кўра, кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарган то-

варлар, амалга оширган ишлар ва хизматлар давлат томонидан харид қилинишининг янада мукамилроқ бўлган янги, очик ва шаффоф механизм йўлга қўйилади. Эндиликда товарларнинг (ишлар ва хизматларнинг) қарорда белгиланган қўйилган турлари кичик бизнес субъектларидан битта шартнома бўйича 300 доллардан 100 миң долларгача эквивалент миқдорда харид қилинса, бу иш Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржасида электрон савдо орқали амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда).

ЁШ ОЛИМЛАРИМИЗНИНГ ИННОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили муносабати билан илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«Илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларга асосланган кичик бизнесни ривожлантириш масалалари» мавзусидаги мазкур анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати вакиллари, Ўзбекистон Республикаси Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси аъзолари, Савдо-саноат палатасининг маъсул мутахассислари, олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда ёш олимлар иштирок этди.

Тадбирда таъкидланганидек, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи кучига айланиб бормоқда. Шу боис иқтисодиётнинг инновацион ривожланишини таъминлаш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнига кенг татбиқ этиш долзарб вазифалардан биридир. Айни пайтда мазкур йўналишдаги комплекс чора-тадбирларни изчил равишда амалга оширишда Президентимизнинг

«Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори дастуриламал бўлаётди.

Тадбир

Инновация лойиҳаларини замонавий ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятига кенг татбиқ этиш, илгор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнесни ривожлантиришга эътибор масаласи «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастурида ҳам алоҳида

белгиланган. Табиийки, ушбу вазифани бажаришда илмий тадқиқот муассасаларида яратилган, ёш олимларимиз томонидан илгори суриллаётган янги гоя ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш ҳамда шу сингари илмий ютуқларни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарига жорий қилишни рағбатлантириш муҳим аҳамият касб этади.

— Мамлакатимизда фан, таълим ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашуви бўйича махсус чора-тадбирлар мажмуаси яратилганлиги боис биз каби ёш олимлар илмий ютуқларимизни

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан ўтган йиллар давомида 68 та иншоот (шундан 65 таси спорт иншооти) қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадларга 12 миллион 401 миллион сўм маблағ сарфланди. Барпо этилган спорт иншоотлари 1 миллиард 807 миллион сўмлик спорт анжуманлари ва жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тадбирлари доирасида умумтаълим мактабларига 1072 та теннис столи етказиб берилиб, мазкур спорт турти бўйича 236 та секция янгидан ташкил этилди. Бугунги кунда вилоятда 19 ёшгача бўлган болаларнинг 134073 нафари (38,4 фоиз) спорт билан мунтазам шугулланмоқда. Бу кўрсаткич 2008 йилда 24,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 14 фоизга ошди.

(Давоми 2-бетда).

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Шу йил 25 февраль куни Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз ушбу тузилма ташкил этилганидан буён ўтган давр мобайнида қилинган кенг қўламли ишлар, уларнинг аҳамияти, моҳияти ва амалий натижалари ҳақида атрофлича тўхталиб, келгусида эътибор қаратилиши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифалар хусусида сўз юритган эди. Жойларда ана шу вазифаларнинг бажарилишини таъминлашга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Бухоро вилояти. Ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугунги авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида фарзандларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш, улар онгида спортга муҳаббат туйғуларини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилади. Ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларнинг самараларини Бухоро вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Болалар спортини

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали томонидан ўтган йиллар давомида 68 та иншоот (шундан 65 таси спорт иншооти) қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадларга 12 миллион 401 миллион сўм маблағ сарфланди. Барпо этилган спорт иншоотлари 1 миллиард 807 миллион сўмлик спорт анжуманлари ва жиҳозлари билан таъминланди. Шунингдек, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тадбирлари доирасида умумтаълим мактабларига 1072 та теннис столи етказиб берилиб, мазкур спорт турти бўйича 236 та секция янгидан ташкил этилди. Бугунги кунда вилоятда 19 ёшгача бўлган болаларнинг 134073 нафари (38,4 фоиз) спорт билан мунтазам шугулланмоқда. Бу кўрсаткич 2008 йилда 24,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда 14 фоизга ошди.

(Давоми 2-бетда).

Солиқ тизими

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасида мамлакатимиз ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ташкил этилган матбуот анжуманида мутахассислар журналистларга тадбиркорликни ривожлантиришда солиқ соҳасида яратилаётган шарт-шароитлар хусусида маълумот бердилар.

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Маълумки, Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида республикамизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, демократик бозор ислохотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўналишларида амалга оширилиши зарур бўлган муҳим стратегик вазифаларни белгиланган берган эди. Конституциямиз қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида эса бу борадаги ислохотларни, хусусан, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар узвий давом эттирилишини таъкидлаб, жорий йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда мазкур соҳани ривожлантириш масаласига катта эътибор қаратилаётгани тадбиркорларнинг эркин фаолият юритишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда сўнги йилларда солиқ сибсатини либераллаштириш, солиқ юкни камайтириш ҳамда солиққа тортиш тартибларини содда-лаштиришга йўналтирилган ишларнинг тизимли равишда олиб борилаётгани, айниқса, диққатга сазовордир.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Ҳар бир инсоннинг муқаддас вазифаси, айтиш мумкинки, ҳаётининг маъноси қобил фарзандлар ўстириш, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мукамил қилиб тарбиялаш, ота-онасига, Ватанига садоқатли кишилар этиб вояга етказишдан иборат.

Шу маънода, 1993 йилнинг 4 мартда Президентимиз томонидан қабул қилинган давлатимизнинг биринчи юксак нишони — «Соғлом авлод учун» ордени ҳам инсон ва жамият тақдирини, келажақни, олдимида турган улуг мақсадларни кўзлаб таъсис этилди.

ЭНГ ЭЗГУ МАҚСАД — ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

Мамлакатимизда «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганига 18 йил тўлди.

Соғлом авлод тарбияси мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ давлатимиз олиб бораётган сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиланди. Соғлом авлод — нафақат жисмонан бақувват ёшларни, шу билан бирга, чуқур билимга эга, маънавий баркамол, дунёдаги тенгдошлари билан беллашишга, уларга халқимизнинг истеъдоди ва салоҳиятини намойиш этишга қодир бўлган авлоднинг тарбиялаш демакдир.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ мамлакатимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёш авлоднинг ҳар томонлама етуқ, баркамол этиб тарбиялаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури мазкур тизимда ислохотларни сама-

рали амалга ошириш имконини яратди. Юртимизда ҳашаматли касб-хунар коллежлари, академик лицейлар бинолари қад ростлапти, мактаблар янгиланаяпти. Энг муҳими, эндиликда ўқувчилар дарсларини нафақат ўқитувчиларнинг маърузаларини тинглаш, шу билан бирга, замонавий ўқув хозларни, компьютерлар орқали ҳам сабоқ олаётдилар. Бу эса, ўз ўрнида, таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Яқинда Президентимиз Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида «Болалар спортини биз ўз олдимиизга қўйган буюк бир мақсадга эришиш учун, яъни баркамол авлоднинг тарбиялаш, вояга етказиш болаларимизни ҳаётимизда ҳам қилувчи кучга айлантириш, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан жой олишида қандай бекбёс ўрин ва аҳамият касб этиши

ҳақида бугун ҳеч кимга тушунтириб беришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман», дея алоҳида таъкидладилар. Дарҳақиқат, ҳар бир миллатнинг эртанги куни бугунги авлод тақдири билан узвий боғлиқдир. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, фарзандларимизни жисмонан ва маънан баркамол этиб тарбиялаш борасида ўтган йиллар давомида кенг қўламли ишлар бажарилди. Хусусан, мамлакатимизда ўтказиб келинаётган уч босқичли мусобақалар тизими том маънода фахримизга айланди. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ҳамда олий ўқув юртлари талабаларининг Универсиада спорт ўйинлари ўғил-қизларимизнинг юрт шарафини муносиб ҳимоя қиладиган спортчилар бўлиб етишишига хизмат қилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Президентимизнинг мазкур қароридида маблағларнинг марказлашган манбалари ҳисобига фақат кичик бизнес субъектлари...

ижарага олиш билан боғлиқ бошқа харажатлар ҳам киритилган. Мазкур рўйхатдаги товарлар, ишлар ва хизматлар учун харажат...

қилиб бориш, бу борадаги ишларни янада тақомиллаштириш бўйича зарурий чоралар ишлаб...

лашади. Улар эса, зарурат туғилганда, қонун доирасида барча ёрдамни кўрсатишлари лозим.

Хўқумат томонидан ЎзРТХБ учун комиссияни йигим ҳажми белгиланган бўлиб, у ҳар бир томондан битим суммасининг 0,05...

ЭЛ СОҒЛИҒИНИ МУСТАҲҚАМЛАШ — УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

Олий Махлис Қонунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси томонидан давра суҳбати ташкил этилди.

“Репродуктив саломатликни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосини тақомиллаштириш — соғлом авлодни шакллантиришнинг ишончли омилли...

қўшимча чора-тадбирлар туғрисида”ги, 2009 йил 1 июлдаги “2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни воғга етказиш бора...

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИ: НИМА, ҚАЕРДА, ҚАНДАЙ?

тураржой биноларига эгаллик қилиш, уларни капитал, ўрта ва жорий таъмирлаш, шунингдек, мебель ва офис жиҳозлари сотиб олиш, компьютер ва ҳисоблаш машиналари, аудио-видео-техникаларни ижарага олиш.

рига биноан тўлдирилиши, квоталар эса оширилиши мумкин. — Давлат харидларида иштирок этадиган кичик бизнес субъектлари учун яна бошқа алоҳида қулайликлар кўзда тутилганми?

киллари малакасини ошириш, умумэтироф этилган халқаро меъёрлар ва андозларнинг жорий этиш масалалари ҳам қиради. Шунингдек, Молия вазирлиги Бош назорат-тафтиш бажармаси ва Фазначилик томонидан қарорнинг барча бандлари сўзсиз бажарилиши қатъий назорат қилинади.

туради ва ҳар қандай махсулот етказиб берувчи уни қўриши мумкин. Савдода махсулотни энг арзон нархда тақлиф қилган ғолиб бўлади ва брокер ҳамда биржа мутахассислари ёрдамида шартнома расмийлаштирилган, махсулот буюртмачига етказиб берилади.

— Президент қароридида, шунингдек, давлат эҳтиёжлари учун, аввало, кичик бизнес субъектларидан харид қилинадиган бир гуруҳ товарлар, ишлар ва хизматлар рўйхати ҳам белгилаб қўйилган.

— Давлат харидлари бўйича тендер ўтказилаётганда, агар ҳаммининг имкониятлари тенг бўлса, кичик бизнес субъекти танлаб олинади. Бундан ташқари, давлат бюджет ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган 500 миллион сўмгача бўлган ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари учун пудратчи ташкилот фақат кичик бизнес субъектлари ичидан танланади.

— Ахборотни олиш — биринчи қадам, иккинчиси эса — электрон савдоларда иштирок этиш. Бу жараён қай тарзда ва қим томонидан ташкилланган?

— Давлат харидлари бўйича электрон савдолар Ўзбекистон Республикаси товар-хон ашё биржаси томонидан ташкил қилинади. Давлат буюртмасини олиш учун савдода иштирок этишга қарор қилган тадбиркор биржа брокерига мурожаат этади. У эса, ўз навбатида, жиҳози номидан битимни амалга оширади.

— Ҳақиқатан ҳам, шундай товарлар, ишлар ва хизматлар борки, улар комиссия томонидан белгиланган квотадан кам бўлмаган миқдорда фақат кичик бизнес субъектларидан харид қилиниши керак.

— Давлат харидлари бўйича Ҳукумат комиссиясининг асосий вазифалари нималардан иборат?

— Давлат харидлари бўйича тендер ўтказилаётганда, агар ҳаммининг имкониятлари тенг бўлса, кичик бизнес субъекти танлаб олинади. Бундан ташқари, давлат бюджет ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган 500 миллион сўмгача бўлган ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари учун пудратчи ташкилот фақат кичик бизнес субъектлари ичидан танланади.

— Давлат харидлари бўйича тендер ўтказилаётганда, агар ҳаммининг имкониятлари тенг бўлса, кичик бизнес субъекти танлаб олинади. Бундан ташқари, давлат бюджет ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан амалга ошириладиган 500 миллион сўмгача бўлган ҳажмдаги қурилиш ва реконструкция ишлари учун пудратчи ташкилот фақат кичик бизнес субъектлари ичидан танланади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жумладан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

тадбиркорлик йили” Давлат дастури тасдиқланди. Мазкур дастурда ҳам соҳа вакилларига бир қатор янги

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

субъектларига солиқ имтиёзлари бериш ҳамда улар зиммасидаги солиқ юкни камайтириш мақсадида амалга оширилган ишлар натижасида ягона солиқ тўлови ставкаси 2005 йилдаги 13 фоиздан 2010 йилда 7 фоизга пасайтирилди. Солиқ сибёсатидаги бундай ижобий ўзгаришлар жорий йилда ҳам кузатилмақда.

имтиёз ва энгилликлар бериш кўзда тутилган. Давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-ҳўжалик фаолиятига аралашувини кескин камайтириш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ҳамда хом ашё ресурсларидан кенг фойдаланишини таъминлаш, рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, солиқ ва бошқа тўловлар бўйича имтиёзлар шуллар сирасига қиради.

ЁШ ОЛИМЛАРИМИЗНИНГ ИННОВАЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда ана шундай ижобий натижалар ҳақида сўз юритилар экан, келгусидаги долзарб вазифалар юзасидан ҳам аниқ тақлиф, мавдуд қилиш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали соҳада экспорт кўрсаткичларини оширишга эришиш каби масалалар юзасидан илмий маърузалар тингиланди.

Тадбирда журналистлар янгиликлардан бохабар бўлиш баробарида, ўзларини қизиқтирган саволларга тўлиқ жавоб олдилар.

Д. МУРОВОВ.

ЛИЗИНГГА ТЕХНИКАЛАР

Ўтган йили “Ўзқишлоқхўжаликмашизинг” компанияси Самарқанд вилояти филиали томонидан фермер хўжалиқларига 311 донга қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг шартлари асосида етказиб берилди.

Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов бошқарни йилгилишда шулар ҳақида сўз юритилиб, мавдуд қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича қилиниши лозим бўлган тадбирларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, бугунги кунда Ғиждувон туманидаги “Фришкент”, Қорақўл туманидаги “Янгибозор”, Қогон туманидаги “Смёзпобён”, Ромитан туманидаги “Миришкор” болалар спорт мажмуаларида иситиш тизимининг носозлиги, ушбу бинолардан оқилана фойдаланилмаётганлиги, мусобақаларда арзири натижаларга эришилмаётгани, Бухоро, Жондор, Вобкент, Олот туманларида эса бадий гимнастика марказларининг моддий-техник базаси, мураббийлар малакаси талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Жумладан, 4 миллиард 917,8 миллион сўмлик 146 та турли русумдаги трактор, 562,9 миллион сўмлик 165 та культиватор ва кўплаб ўғит сеппи агрегатлари, ем-хашак ўриш мосламалари олинди. Жорий йилда эса 120 нафар фермернинг тракторлар билан

таъминлини режалаштирилган. Кейинги ўн йил мобайнида ушбу компания томонидан самарқандлик фермерлар 3 минг 200 тадан зиёд қишлоқ хўжалиги техникасига эга бўлдилар.

С. АБДУРАСУЛОВ.

ИЗЛАНИШ ВА ТАШАББУС

ишлаб чиқариш ҳажмининг янада ортишига хизмат қилмоқда

(Давоми. Боши 1-бетда).

Биласиз, ҳозирги кунда Асакадаги “GM Uzbekistan” ва Самарқанддаги “MAN” заводларида ишлаб чиқарилаётган энгил автомобиллар ва юк машиналарига хорижда ҳам талаб юқори эканлиги барчамизга фахр ва гурур бағишламақда. Бунда бизнинг ҳам ҳиссамиз борлигидан мамнунмиз. Чунки жамиятимизда ишлаб чиқарилаётган махсулотларнинг тўқсон фоизи автомобилларнинг бутловчи қисмлари бўлиб, уларни “GM Uzbekistan”, “Ўз Сэмюнт”, “Ўз Тонг Хонг”, “Саратон Пласт” сингари корхоналарга пешма-пеш етказиб бераёямиз.

хисобига юқори технологик тизимли металлга ишлов берувчи ускуна ва хом ашё харид қилдик. Буларнинг бари ишлаб чиқариш кубватини олдинги йилдагидан 60 фоизга кўпайтириш,

халқаро сифат сертификатига сазовор бўлгани шундан далолат беради. Шу билан бирга, ўтган йил бу ерда автомобиль ёнилги тизимига мўлжалланган нейлон трубка, по-

Берилган имтиёз тўғрисида 2010 йилда корхона ихтиёрида 215 миллион сўм миқдорда маблағ қолган эди. Шу кунларда мазкур маблағ ҳисобига янги ишлаб чиқариш буюми бари



қўшимча янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Дарҳақиқат, изланиш ва ташаббус бор жойда тараққиёт бўлиши, табиий. Ўтган йили корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми 34 фоизга ортиб, 3,070 миллиард сўмлик махсулот харидорларга сотилган ва жамоатимизнинг ИСО 9001:2001

лиамид гофра трубка, болалар велосипедлари ва беланчалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ҳам эътиборга лойикдир. Жорий йилда эса 107 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада 5 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

по этилапти. У фойдаланишга топирилганга, кўзланган марра, албатта, забт этилади.

Диллош УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавжалар.

Ҳасан ПАЙДОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов бошқарни йилгилишда шулар ҳақида сўз юритилиб, мавдуд қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича қилиниши лозим бўлган тадбирларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, бугунги кунда Ғиждувон туманидаги “Фришкент”, Қорақўл туманидаги “Янгибозор”, Қогон туманидаги “Смёзпобён”, Ромитан туманидаги “Миришкор” болалар спорт мажмуаларида иситиш тизимининг носозлиги, ушбу бинолардан оқилана фойдаланилмаётганлиги, мусобақаларда арзири натижаларга эришилмаётгани, Бухоро, Жондор, Вобкент, Олот туманларида эса бадий гимнастика марказларининг моддий-техник базаси, мураббийлар малакаси талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

қўшимча янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Дарҳақиқат, изланиш ва ташаббус бор жойда тараққиёт бўлиши, табиий. Ўтган йили корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми 34 фоизга ортиб, 3,070 миллиард сўмлик махсулот харидорларга сотилган ва жамоатимизнинг ИСО 9001:2001

лиамид гофра трубка, болалар велосипедлари ва беланчалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ҳам эътиборга лойикдир. Жорий йилда эса 107 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада 5 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

по этилапти. У фойдаланишга топирилганга, кўзланган марра, албатта, забт этилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бухоро вилояти ҳокими С. Хусенов бошқарни йилгилишда шулар ҳақида сўз юритилиб, мавдуд қилиш ва уларни бартараф этиш бўйича қилиниши лозим бўлган тадбирларга ҳам эътибор қаратилди. Жумладан, бугунги кунда Ғиждувон туманидаги “Фришкент”, Қорақўл туманидаги “Янгибозор”, Қогон туманидаги “Смёзпобён”, Ромитан туманидаги “Миришкор” болалар спорт мажмуаларида иситиш тизимининг носозлиги, ушбу бинолардан оқилана фойдаланилмаётганлиги, мусобақаларда арзири натижаларга эришилмаётгани, Бухоро, Жондор, Вобкент, Олот туманларида эса бадий гимнастика марказларининг моддий-техник базаси, мураббийлар малакаси талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

қўшимча янги иш ўринлари яратиш имконини берди. Дарҳақиқат, изланиш ва ташаббус бор жойда тараққиёт бўлиши, табиий. Ўтган йили корхонамизда ишлаб чиқариш ҳажми 34 фоизга ортиб, 3,070 миллиард сўмлик махсулот харидорларга сотилган ва жамоатимизнинг ИСО 9001:2001

лиамид гофра трубка, болалар велосипедлари ва беланчалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ҳам эътиборга лойикдир. Жорий йилда эса 107 нафар ишчи меҳнат қилаётган корхонада 5 миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

по этилапти. У фойдаланишга топирилганга, кўзланган марра, албатта, забт этилади.

ЭНГ ЭЗГУ МАҚСАД — ФАРЗАНДАР КАМОЛИ

бири-бирига ҳамоҳанг бўлган Оила йили, Соғлом авлод йили, Ешлар йили, Баркамол авлод йилида изчил амалга оширилган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида ҳам фаол давром эътирилмоқда.

лигини муҳофаза қилиш ва камол топтириш билан бевосита шуғулланадиган касб эгаларига эмас, балки шу билан бирга, болаларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшган турли чет давлатлар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам шу орден билан мукофотландилар.

Соғлом авлод тушунчаси фарзандларимизнинг фақатгина жисмоний соғломлигини эмас, айна пайтада уларнинг маънавий етуқлиги, руҳий-ахлоқий баркамоллигини ҳам аниқлади. Шу боисдан “Соғлом авлод учун” ордени билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига алоҳида ҳисса қўшаётган фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда уларни маънавий-интеллектуал жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш соҳасида катта ютуқларга эришаётган ватандошларимиз тақдирландилар. Юртимизда “Соғлом она — соғлом бола” тамойили асосида бу ишлар янада тақомиллаштириб бормоқда. Хомилдор аёллар ва чақалокларни соғломлаштириш борасида қўллаб дастур ва лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилаётди. Соғлом она — соғ-

лам бола тушунчаси тиббий хизматнинг энг қўйи бўғини — қишлоқ врачлик пункти фаолиятининг муҳим йўналишига айланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, фақат ёш авлоднинг саломат-

Омонулло ФАЙЗИЕВ.

ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Қорақалпоғистон Республикаси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси раиси М. Ерниязов олиб борган йилгилишда таъкидланганидек, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилганидан буён ўтган вақт давомида Қорақалпоғистонда 20 миллиард 214 миллион сўмлик маблағ ҳисобига 95 та болалар спорт объекти, сузиш хавзаси фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 6 миллиард 170 миллион сўмдан зиёд маблағ сарф этилиб, 8 та спорт мажмуаси бунёд этилди ва ёшлар ихтиёрига берилди. Хусусан, Нукус олимпия заҳиралари коллежи қошида замон талабларига мос ёпиқ сузиш хавзаси қурилди, кураш бўйича республика Олимпия заҳиралари спорт мактабиди 250 миллион сўмлик реконструкция ишлари бажарилиб, кураш гилалари, тренажёрлар ва бошқа зарур жиҳозлар билан таъминланди. Қизларнинг спортга жалб этиш, айнакча, бадий гимнастикани оммавийлаштириш, спорт мураббийларининг малака ва тажрибасини ошириш борасида ҳам муайян ишлар бажарилиб, Агар 2003 йилда ёшлар спортнинг 8 тури билан шуғулланган бўлсалар, бугунги кунда 30 спорт

тури бўйича машғулотларда иштирок этмоқдалар. Йилгилишда эришилган натижалар билан бирга, мавдуд камчиликлари ҳам атрофига таҳлил қилинди. Оқсаройда бўлиб ўтган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг навбатдаги йилгилишида Президентимиз тақдирланди кўрсатиб ўтилган энг муҳим устувор вазифалар ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Самарқанд вилояти. Ҳар томонлама етуқ соғлом авлодни тарбиялаш келажагимизни таъминлашнинг муҳим омилдир. Шу боис ҳам истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмонан ва маъна соғлом авлодни воғга етказишга давлат сибёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу мақсадга эришишда спорт, айнакча, болалар спортини ривожлантириш хал қўлувчи аҳамиятга эга. Кейинги йилларда Самарқанд вилоятида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2003 — 2010 йилларда вилоятда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 131 ишоот бунёд этилган бўлиб, уларнинг 114 таси қишлоқ жойлар-

да қад ростлади. Ушбу мажмуаларнинг 87 тасини мактаб спорт заллари ташкил этиди. Қолганлари алоҳида лойиҳа асосидаги спорт иншоотлари, болалар мусика ва санъат мактаблари ҳамда реконструкция қилинган мажмуаларидир.

Биргина ўтган йилнинг ўзида вилоятда олтита умумтаълим мактабиди янги спорт заллари, Самарқанд шаҳрида сузиш ва энгил атлетикага ихтисослаштирилган “Афросиёб” спорт мажмуаси ишга туширилди. Бундан ташқари, вилоят марказида 200 ўринли мусика ва санъат мактаби янгидан қурилди. Пахтачи туманидаги 34, Самарқанд шаҳридаги 4 ва 6-болалар мусика ва санъат мактаблари, Тайлоқ туманидаги эшак эшиш канали капитал таъмирланди. Болалар спортини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар самараси ёшларнинг спортга оммавий жалб этишда, уларнинг соғлом ва баркамол бўлиб воғга етишида ўз ифодасини топмоқда. Вилот ҳокими 3. Мирзаев бошқарган йилгилишда таъкидланганидек, ўтган вақт мобайнида болалар ўртасида спортни оммалаштириш бўйича муайян ўсиш кузатилди. Бугунги кунда вилоятда 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ўқувчилар сони 550663 нафарни ташкил этса, улар-

лигини муҳофаза қилиш ва камол топтириш билан бевосита шуғулланадиган касб эгаларига эмас, балки шу билан бирга, болаларни ҳимоя қилишга ўз ҳиссасини қўшган турли чет давлатлар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам шу орден билан мукофотландилар.

Соғлом авлод тушунчаси фарзандларимизнинг фақатгина жисмоний соғломлигини эмас, айна пайтада уларнинг маънавий етуқлиги, руҳий-ахлоқий баркамоллигини ҳам аниқлади. Шу боисдан “Соғлом авлод учун” ордени билан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлигини мустаҳкамлаш, уларнинг Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш ишига алоҳида ҳисса қўшаётган фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш билан бир қаторда уларни маънавий-интеллектуал жиҳатдан баркамол этиб тарбиялаш соҳасида катта ютуқларга эришаётган ватандошларимиз тақдирландилар. Юртимизда “Соғлом она — соғлом бола” тамойили асосида бу ишлар янада тақомиллаштириб бормоқда. Хомилдор аёллар ва чақалокларни соғломлаштириш борасида қўллаб дастур ва лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилаётди. Соғлом она — соғ-

лам бола тушунчаси тиббий хизматнинг энг қўйи бўғини — қишлоқ врачлик пункти фаолиятининг муҳим йўналишига айланди.

Шуни таъкидлаш жоизки, фақат ёш авлоднинг саломат-

Омонулло ФАЙЗИЕВ.

И. ИБРОХИМОВ, А. АҲМЕДОВ, А. САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.

Жавоҳир тенгқурларига қараганда нозикроқ, лекин ушлаган жойдан кесадиган бола эди. Беш ёшга тўлиб-тўлмаган болакай кўйлагининг энгларини шимарганича ўзи тенгиларни бел олишга чорлар, рубару бўлганларни абжирлик билан "мағлуб" этарди. "Сендан яхши курашчи чиқади, — Жавоҳирни бағрига босганича суюб эркаларди боғча опаси. — Чайирсан, суягинг ҳам бутун..."

дир. Айтайлик, тадбиркор Одиложон Аҳмадҷонов 10-болалар боғчасининг спорт залини мукаммал таъмирдан чиқариб берган бўлса, "Барчиной" хусусий фирмаси раҳбари Раҳимжон Раҳимов

да мамлакат чемпиони. 13-боғчадан 32-мактабга йўл олган 5-синф ўқувчиси Тўхтасин Нурматов кўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпиони бўлса, 3-боғчада тарбияланган Миродил Орипов 8-мак-

тада 350 ўқувчи ўрнига эга бўлган яна бир таълим муассасаси фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Лойиҳа қиймати 1 миллиард 283 миллион сўмни ташкил этадиган мазкур ўқув даргоҳи ажойиб спорт залига ҳам эга бўлади.

Андижон вилоятининг шаҳар ва туманлари, хусусан, Пахтаобод, Избоскан, Шахрихондаги мактабга таълим муассасалари ҳамда мактабларда болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кейинги бир йилнинг ўзига бадий гимнастика билан шуғулланаётган қизларнинг икки баробарга кўпайгани ана шу саъй-ҳаракатларнинг самарасидир.

Одиложон ШОДНОАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎРГАНСА АРЗИГУЛИК ТАЖРИБА

ЭЪТИРОФ

Бу йил барчамиз энг улуг, энг азиз айёмимиз — Мустақиллигимизнинг кутлуғ 20 йиллигини кенг нишонлаймиш. Утган шу давр мобайнида Ўзбекистонимиз ҳар жиҳатдан барқарор давлатга айланиб, халқор миқёсда муносиб ўринга, обрў-эътиборга эга бўлди. Энг муҳими, турли соҳаларда эришяётган натижаларимизга эндиликда кўпчилик ҳавас билан қарамоқда, тажрибадорларимизни ўрганишга интилоқда. Масалан, баркамол авлодни вояга етказиш йўлида жисмоний тарбия ва спортга берилаятган эътиборни олайлик. Бугун жаҳон ареналарида ўзбек спортчиларининг кучлилик сафида эътироф этилаётгани ҳам биздаги маъжуд шарт-шароитлар, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ. Мамлакатимизга ҳамкорлик юзасидан ёки сайёҳ сифатида ташриф буюраётган чет эллик меҳмонларнинг кўпчилиги айна шу жиҳатни ҳам кўп бор тилга оладилар.



Вера АЛЕКСАНДРОВА (Буюк Британия):

— Ўзбекистонда ёш авлоднинг спорт билан шуғулланиши, жисмоний чиниқиши учун улкан имкониятлар яратилган. Мен бадий гимнастика муассасаси бўлганим учун ҳам,

мамлакатингизда айна шу йўналишда ташланаётган қадамларга, очиги, ҳавас қиламан. Бу миллатнинг ёруғ келажагини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Чунки қизларнинг ҳар томонлама соғлом, назокатли ва нафосли бўлиб улғайишида бадий гимнастиканинг ўрни беқўб. Ўзбекистондаги шарт-шароитнинг қандай эканини битта мисол билан изоҳлаш мумкин. 2010 йилнинг февраль ойида бадий гимнастика бўйича XI Осие чемпионатида юртингиз ўзбек мамлакатининг спорт соҳасидаги ютуқлари халқор миқёсда эътироф этилаётганини аниқлатади.

Баек Мун ЖОН (Жанубий Корея):

— Спортга эътибор қаратган давлатнинг эртанги кун, албатта, ёруғ бўлади. Шу маънода айтганда, Ўзбекистонда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан баркамол этиб тарбиялашда спортга таълимнинг узвий бир қисми сифатида аҳамият берилаятгани таҳсинга лойиқ. Мамлакатингизда дунёнинг ҳеч бир ерида учрамайдиган уч босқичли спорт мусобақалари йўлга қўйилганидан ҳам яхши хабардорман. Қолаверса, болалар спортини ривожлантириш учун жуда улкан маблағлар сарфланаяпти. Демак, Ўзбекистон ўз келажаги учун муносиб пойдевор қўймоқда.

Валерий КОГАН (Исроил):

— Бугун Ўзбекистонлик спортчилар халқор миқёсдаги мусобақаларда голибликка асосий даввогарлар қаторида тилга олинадилар. Бунга ўз-ўзидан эришиб бўлмаслиги барчага яхши аён. Фақат эътибор ва имконият мав-

жуд жойдагина ана шундай марраларни забт этиш мумкин. Zero, ўз мустақиллигининг 20 йиллик санасини нишонлашга ҳозирланаётган Ўзбекистоннинг қисқа даврда бундай поғонага кўтарилганига ҳавас қилса арзийди.

Ш. ОРТИҚОВ эзиб олди.

Факт ва рақамлар

● 2010 йилда 2005 йилдагига нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 12,8, зотилжам билан касалланиш 15,5, бронхит билан касалланиш 16,2 ва сколиоз билан касалланиш 11,6 фоизга камайди.

● Сўнги беш йилда спорт билан шуғулланган 10 — 14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қиз болаларнинг бўйи 2 сантиметрга ўсди, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограммга ошди.

● Жорий йилда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 149 та объект, жумладан, 130 та болалар спорт объект, 19 та сузиш ҳавзасини қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш кўзда тутилмоқда. Ушбу объектларнинг 118 таси қишлоқ жойларда бунёд этилади.



ЧЕМПИОНЛИККА ЙЎЛ БОҒЧАДАН БОШЛАНАДИ

этибор кучайди. Спорт мажмуалари, ўқув даргоҳларининг стадионлари, спорт заллари ва майдончаларидан тортиб, болалар боғчаларида кичкинтойлар билан машғулотлар ўтказиладиган махсус хоналар ҳам энг замонавий жиҳоз ва анжомлар билан таъминланди. Бу жараён изчил давом этмоқда.

Хўжаободликлар ўғил-қизлари, набираларини "Бугуннинг дилбандлари — келажагимиз эгалари" деб билаётганликлари, уларнинг тарбиясига бутун қалб кўрларини бағишлаётганликлари, баркамол бўлиб униб-ўсиши йўлида қўлларидан келганича жонбозлик кўрсатаётганликлари ибратли-

1, 5-мактабга таълим муассасалари кичкинтойларини спорт анжомлари, махсус кийим-кечаклар билан таъминлади. Боғчаларга ўтган йилнинг ўзига 4 яшардан 6 ёшгача бўлган 1560 нафар ўғил-қиз ҳамда мавжуд 32 та мактабнинг 1258 нафар ўқувчиси спорт билан мунтазам шуғулланмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Неъматжон Аҳмадҷонов. — Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги тантаналари арафасида Манак қишло-

табнинг 7-синфиди тахсил кўраётир. У спортнинг муай-тай тури бўйича икки карра мамлакат чемпиони ҳисобланади. — Боғчаларимизда тарбияланаётган 4 яшардан 6 ёшгача бўлган 1560 нафар ўғил-қиз ҳамда мавжуд 32 та мактабнинг 1258 нафар ўқувчиси спорт билан мунтазам шуғулланмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Неъматжон Аҳмадҷонов. — Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги тантаналари арафасида Манак қишло-

— Бола тарбияси жуда нозик масала, — мулоҳаза юритади Хўжаобод тумани халқ таълими бўлимининг мактабгача таълим муассасалари бўйича услубчиси Ёқутхон Жўраева. — Ушбу жараёнда ҳар бир жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш керак. Масалан, боғчаларга қатнаётган болакайлар ёзиш, чизиш, ҳисоблашни ўрганадилар, мусиқанинг сеҳрли оламиндан баҳра олиш баробарида жисмоний тарбия билан шуғулланадилар. Бу улар онгиди эзгу фикрларнинг қуртак отишига катта туртки беради. Туманимизда 20 та боғча мавжуд бўлиб, уларда машғулотларнинг мазмуни ва мароқли ўтиши учун барча шароит яратилган.

Маълумки, истиқлолга эришганимиздан кейин юртимизда таълим-тарбия, спорт, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сийсати даражасига кўтарилди. Аҳолининг, айниқса, болаларнинг саломатлигини мустаҳкамлашга

Факт ва рақамлар

● 2003 — 2010 йилларда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барпо этилган 1199 та болалар спорт объект умумий қиймати 18,91 миллиард сўмлик спорт инвентарлари ва ускуналари билан жиҳозланди.

● Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ва маҳаллий ҳокимликлар ўғил-қизларимизни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш борасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. 2010 йилда бу борада амалга оширилган ишлар натижасида мамлакатимизда 6 — 15 ёшдаги 1,6 миллион нафар ўқувчи спорт ва жисмоний тарбия билан шуғулланмоқда. Яъни, ҳозирги кунда уларнинг сони 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 34,5 фоизга, қизлар орасида эса 24,1 фоиздан 30,9 фоизга кўпайди.

● 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар сони 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда улар 62,6 фоизга етди. Агар дунёнинг ривожланган давлатларида бу кўрсаткич 70-72 фоизлигини инobatга оладиган бўлса, Ўзбекистонда ушбу масала бўйича қандай жиддий ўсиш сурьатларига эришилаётгани яққол аён бўлади.



...Жондор туманида туғилиб, қишлоқ мактабиди ўқиган Света Исмоиловани Бухоро спорт коллежига курашга бўлган иштиёқ етаклаб келди. Бирок спортда ёлғиз иштиёқнинг ўзи кифоя қилмайди. Жисмондан бақувват, руҳан тетик ҳам бўлиш керак. Рўпараларида озғин, бўшбаёғина қиз турганини кўрган коллеж мураббийлари иккилашиб қолишди. Ниҳоят, таваққалига йўл тутишди: қиз коллежга қабул қилинди.

— Бу воқеага ҳам қарийб уч йил бўлиб қолди, — дейди тажрибали мураббий Шавкат Баротов. — Уша нозик ва жисмонан ожиз қиз бугунги кунда мамлакатимиз ҳамда халқор миқёсдаги мусобақаларда ҳар қандай рақиб билан тенгма-тенг кураш тушадиган спортчига айланди. Светанинг отаси билан суҳбатлашиб тураман. "Қизим илгари тез-тез шамоллаб қоларди. Грипп, тумовга қарши дориларнинг номи мен учун ёд бўлиб кетганди. Дори-хонага югурардим-да. Спорт билан мунтазам шуғуллана бошладим касалликка чалинмай қўйди", деб қолди бир гал у. Дарҳақиқат, мен ҳам Светанинг тоби қочганини эслай олайман.

2010 йилда ёшлар ўртасида самбо бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати голиби, яқинда Жанубий Кореянинг Сеул шаҳрида ташкил этилган Шарқий Осие ошқ чемпионати олтин медали соҳиби С. Исмоилованининг ўзи бу ҳақда шундай дейди:

иккинчи ўринни эгаллашгани мамлакатимизнинг спорт ҳаётида мисли кўрилмаган қувончли воқеа бўлди. Шунингдек, Осие ўйинларида ўқ отиш ва спорт гимнастикаси бўйича қатнашган қизларимиз ҳам юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар. Жумладан, Луиза Галиулина, Диана Каримҷонова, Дарья

Елизарова, Юлия Горева, Асал Сапарбоева ва Ирина Володченко (суратда)дан иборат гимнастикачи қизларимиз 207, 50 балл тўплаб, Хитой ва Япония спортчиларидан кейин фахрли учинчи ўринни эгаллашди.

Кунни кеча АҚШдан яна бир хушxabар олдик. Ушбу давлатда ташкил этилган йирик

халқор турнир ҳам спорт гимнастикаси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси қизлари учун муваффақиятли яқунланди. Хусусан, иқтидорли гимнастикачимиз Дарья Елизарова кўп кураш баҳсларида барча рақибларини ортда қолдириб, олтин медал билан тақдирланди. Луиза Галиулина эса бронза медали соҳиби бўлди.

да уларнинг 134073 нафари ёки 38,4 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Эътиборли томони, бу кўрсаткич 2008 йилдагига нисбатан 14 фоиз кўпдир. Қизлар спортини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратила-

бига риоя этишга, тўғри овқатланишга, тана ва қомат гузаллигини таъминлашга ҳизмат қилади. Спорт билан шуғулланиш таъсирини мусуллар яхши ривожланади, тана суяклари мустаҳкамланади.

Шу ўринда гап, сезгандирсиз, боланишга, тана ва қомат гузаллигини таъминлашга ҳизмат қилади. Спорт билан шуғулланиш таъсирини мусуллар яхши ривожланади, тана суяклари мустаҳкамланади.

спорт билан шуғулланувчи болалар ҳамда ўсмирлар соғлиги масаласида мониторинг ишларини мунтазам олиб бораёямиз, — дея сўзиди давом этади Ф. Солиев. — Масалан, 2010 йилда вилоятимизда 2005 йилдагига нисбатан ўқувчилар ўртасида ўткир респираторли вирусли инфекция билан касалланиш 26,6, бронхит билан касалланиш 28,9, сколиоз билан касалланиш 10,9 фоизга камайган. Сўнги беш йилда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар ўртасида ўсиш сурьатларини ҳам ўрганиб чиқдик. Маълум бўлишича, етти ёшли болалар бўйи 2,6 сантиметрга, вазни 1,3 килограммга, ўн ёшли болалар бўйи 2,9 сантиметрга, вазни 2,9 килограммга, 14 ёшлиларнинг бўйи эса 2,7 сантиметрга, вазни 1,5 килограммга ошган. Қиз болалар бўйи ҳамда вазни ҳақида ҳам шундай фикр-ни айтиш мумкин.

Шифокорнинг бу сўзларини тинглаб, беҳитиёр самбо бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Света Исмоилованининг гапларини эсладик. Ҳа, спорт чиндан ҳам мўъжизакор кучга эга. Уша ошқ тутинган ўғил-қизлар, албатта, баркамол бўлиб вояга етадилар. Баркамол авлод эса юртимиз қудратидир.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БАРКАМОЛ АВЛОД — ЮРТ ҚУДРАТИ

— Чиндан ҳам, илгари жисмонан кучсиз эдим, касалликка тез чалинардим. Спорт мўъжизавий кучга эга эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Баъзи қишлоқдошларим, ҳатто, мени танимай қолган пайтлар ҳам бўлган. Улар тасавурида ўша нозик-нихол қиз сифатида қолган бўлсам керак-да. Ҳозир руҳан тетик, соғломман. Жисмоний тайёргарлигим жойида. Ўзим каби спорт билан ошно тутинган Дилдора Ҳалимова, Зевар Шомуродова, Зарина Жўраева сингари дўгоналарим номидан баралла айтаман: спорт — бу маълум маънода ҳаётимиз. Бизга шундай қулайликларни яратиб берган Юртбошимиздан миннатдорим.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ёш авлоднинг баркамол вояга етишининг асосий омил-

ларидан бири жисмоний тарбия ва спортдир. Шу боисдан ҳам муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилди. Бу ташкилот қисқа муддат ичида жуда катта юмушларни

Вилоятда 19 ёшгача бўлган ўғил-қизлар сони 348926 нафарни ташкил этади. Айни дам-

бажарди. Амалда у умуммиллий ҳаракатга айланди. — Бухорода 2003 — 2010 йилларда жамғармаимиз маблағлари ҳисобидан 68 та ишоот қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали директори Исмоил Мирзаев. — Шунинг 65 таси спорт ишоотларидир. Ушбу мақсадлар учун Жамғарма томонидан 12 миллиард 401 миллион сўм маблағ сарфланиб, бу масканлар бир миллиард 807 миллион сўмлик спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминланди. Биригина ўтган йилда 136 та стал теннис секцияси янгидан ташкил қилинди.

Вилоятда 19 ёшгача бўлган ўғил-қизлар сони 348926 нафарни ташкил этади. Айни дам-

япти. Хусусан, спортнинг бадий гимнастика турини омаллаштириш борасида ихобий натижаларга эришилмоқда. Масалан, ўтган йили 210 та мактаб ва мактабгача таълим муассасасида бадий гимнастика заллари, шунингдек, Бухоро туманида гимнастика маркази фойдаланишга топширилди. Бу эса бадий гимнастика билан шуғулланаётган қизлар сонининг аввалги йилдагига нисбатан 1536 нафарга ошишига олиб келди.

— Бадий гимнастиканинг бошқа спорт турларидан ажралиб турадиган жиҳати шундаки, бола уч-тўрт ёшдан бошлаб машғулотларга мунтазам қатнашиш керак, — дея мулоҳаза юритади вилот ўсмирлар диспансери бош врач Фозил Солиев. — Бу қатъий кун тарти-

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.



ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрирят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусахҳиҳ — С. Исмоилов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.30 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси